

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахмедова Нафмса Амирдин қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
<https://orcid.org/0009-0009-0669-2347>

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиммат навларини етишириш ва қайта ишлаш, уларни экспорт қилиш соҳасида катта салоҳиятга эришишга интилмоқда. Агарар секторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини улушини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ҳамда уни қайта ишлайдиган корхоналарнинг самарадорлигини оширишни, ички ва ташқи сотиш бозорларини янада кенгайтиришни талаб этади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширувчи ва ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг самарадорлигини ва экспорт салоҳиятини ошириш биринчи навбатда қишлоқ ва сув хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартларни қўлланилишини амалга оширишни тақозо этмоқда. Фикримизча, агарар соҳада фаолият олиб бораётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширувчи ва ишлаб чиқариш корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш зарур.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда сифатни таъминлашга йўналтирилган стандартларни ўрганиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини ошириш, уларнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш ва таҳлил қилиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича жаҳонда юқори кўрсатгичларга эга халқаро Global G.A.P. (Good Agricultural Practice- Қишлоқ хўжалигини яхшилаш амалиёти) стандартини Ўзбекистонда тўлиқ жорий этиш натижасида агарар соҳани ривожлантиришга эришилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни ўз бизнесида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ таҳдидларни минимум даражага тушириш учун, савдо тармоқларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича янги стандарт ишлаб чиқиши зарурати пайдо бўлди. Шу тариқа юзага келган стандарт EurepGAP: (Euro-Retailer ProduceWorking Group) – озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси масалалари бўйича Европа ишчи гуруҳи номини олди.

Global GAP – бу биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экишдан маҳсулотларни йигиб олишгача бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, агар чорвачиликда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралиқ маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиши ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган меъёрий ҳужжатdir.

Global GAP стандарти EUREPGAP бутун жаҳон бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини стандартлаш, сертификатлаштириш талабларни ўрнатади.

Ушбу стандартнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш жараёнининг барча жабҳаларини кузатиш орқали уларни етишириш даврида сифатга салбий таъсир этувчи омиллар ва хавф-хатарлар даражасини минималлаштиришдан иборатdir.

XX аср ўрталарида ишлаб чиқилган HACCP (Hazard Analysis and Critical Control Point- назорат нуқталари ва хавф хатарлар таҳлили) тизимидан фойдаланган ҳолда Global GAP стандарти озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигини

ошириш мақсадида қўлланма сифатида яратилган. У қўйидаги тамойиллар асосида фаолият олиб боради:

- хавф-хатарлар (хавфли омиллар) таҳлилини ўтказиш. Жараён таркибидаги операциялар рўйхатини тайёрлаш, қўлланиладиган назорат усулларини баён этиш, аҳамиятга эга бўлган хавф-хатарларни юзага келиши мумкин бўлган босқичларини аниқлаш лозим. Хом-ашёни олишдан бошлаб то якуний маҳсулотгача бўлган барча босқич жараёнларини тўлиқ акс эттирувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг блок-схемаси тузилади. Схема тузилганидан сўнг, ҳар бир босқичда юзага келиши мумкин бўлган барча мавжуд хавфли омиллар идентификацияланади, яъни бунда аҳамиятга эга хавфларни аниқлаш ва уларни назорат қилиш учун зарурий чора-тадбирлар баён этилади. Бу хавф-хатарларни таҳлил қилиш НАССР тизимининг асосий босқичи бўлиб ҳисобланади;

- критик назорат нуқталарини (КНН) ўрнатиш. Хавфли омиллар таъсири эҳтимоллигини минимумга келтириш ёки қайтарилмаслиги учун назорат қилиниши зарур бўлган жараён босқичлари ва операциянинг критик нуқтаси аниқланади;

- параметрларнинг юқори қийматлари (kritik chegaralari)ni ўrnatish. Ҳар бир аниқланган КНН бўйича назорат чора-тадбирлари қўлланилади;

- КНН назорат қилиш учун мониторинг тизимини ишлаб чиқиш. КНН назорат қилиш процедурасини кузатиш ва ўлчашларнинг даврийлик тизимини, яъни ўрнатилган чегаралар доирасида КНН ҳолатини тасдиқлаш мақсадида аниқлаш лозим. Режалаштирилган синовлар ёки ўлчашлар ёрдамида критик назорат нуқталарини назорат қилиш имконини берувчи мониторинг тизими яратиш;

- назоратдаги КНН чегарадан чиқишлари тўғрисидаги мониторинг натижаларига мувофиқ қўлланиладиган тўғриловчи амалларни аниқлаш. Ушбу тамойилга мувофиқ тўғриловчи амалларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш учун жавобгарларни қайд этиш зарурлиги;

- НАССР тизими ҳаққоний ишлашини тасдиқловчи верификатлаш (текшириш) процедурасини ишлаб чиқиш. Тўғриловчи амаллар ва технологик операцияларни хужжатлаштириш ва иш юритиш учун жавобгарларни тайинлаш, НАССР тизимининг самарадорлигини тасдиқлаш имкониятини берувчи текшириш процедурасини ишлаб чиқиш керак.

Ушбу тамойилларга тааллуқли барча процедуralар ва ёзувларни тасдиқлаш ва уларни қўллаш. Параметрларнинг юқори қийматидан ихтиёрий оғишлар бўйича ҳаққоний тўғриловчи амалларни қўллаш тўғрисидаги ва НАССР тизимининг ишлаши назорат остиалиги тўғрисидаги ёзувларни юритиш. Бундай хужжатли расмийлаштириш хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни далолатлаш бўлиб ҳисобланади.

Global GAP стандартини жорий қилиш қўйидаги босқичларидан иборат:

- маҳсулот етиштирувчи хўжаликнинг ҳолати таҳлили. GlobalGAP талабларига мувофиқликка дастлабки аудит ўтказиш;

- Global GAP стандарти талабларига мувофиқ дастлабки аудитни ўтказиш;

- хўжалик ишчиларини Global GAP талаблари билан таништириш учун таништирув, ўқув семинарини ўтказиш. Global GAPни жорий қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш;

- стандарт талабларига мувофиқ зарур хужжатлар тизимини жорий қилиш;

- етиштириш жараённида юз бериши мумкин бўлган хавфни ҳамда уларни юзага келишини олдини олувчи (гигиеник, экологик, кимёвий, биологик, физикавий ва х.к) усулларни аниқлаш ва баҳолаш;

- етиштиришнинг барча жабҳаларидағи зарур агротехник тадбирлар босқичларини рўйхатга олиш тизимларини жорий қилиш;

PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI

<https://worldlyjournals.com>

1-ИЮЛ, 2024

- фермер хўжалик худудида Global GAP талабларига мувофиқ сифат тизимини жорий қилиш ишларини ташкиллаштиришда маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

- Global GAP талабларига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқаришда санитария меъёр қоидаларини жорий қилишда маслаҳатлар бериш;

- идентфикатлаштириш ва кузатиш тизимини ишлаб чиқиш, маҳсулотга берилган баҳо бўйича процедуralарни жорий қилиш;

- Global GAP талабларига мувофиқ ички аудит ўтказиш;

- Global GAP бўйича Сертификатлаштириш идорасига ариза бериш, мустақил сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатлаштириш аудити ўтказиш даврида маслаҳат кўрсатиш;

Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини назорат қилишнинг муқаддам қабул қилинган тизими етарли даражада самара бермаганлиги сабабли тайёр маҳсулотга эмас балки, маҳсулот етиштириш технологиясини сертификатлаштиришнинг тан олинган янги Global GAP сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим маҳсулотларда заарли кимёвий моддалар йиғилиши ҳамда уларни микробиологик ва механик ифлосланишдан химоялаш шароитларини яратади.

Global GAP сертификати - аниқ бир қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш даврида сифат ва хавфсизик бўйича ўрнатилган барча талаб ва тавсияларни тўлиқ бажарилганлиги кафолати ҳисобланади.

№	Худуд номи	2020		2021		ЖАМИ			
		Global G.A.P.	Organic	Умумий ермайдонига.	Globa l G.A.P.	Organic	Умумий ермайдонига.		
	Жами	228	31	4181	42	5	7785	306	11966
1	Қорақалпоғистон Республикаси		1		3		27	4	27
2	Андижон				3		142	3	142
3	Бухоро	8	1	439	3		13	12	452
4	Жиззах	1	6	200	3		682	10	882
5	Қашқадарё	1		19	3		130	4	149
6	Навои	1		1	1		3	2	4
7	Наманган	82	1	552	2	2	575	87	1127
8	Самарқанд	1	19	371	3		2149	23	2520
9	Сурхондарё	4		693	5	1	1282	10	1975
10	Сирдарё	121		279	4		702	125	981
11	Тошкент вилояти	6	1	175	5	1	1635	13	1810
12	Фарғона	2	1	1442	4	1	405	8	1847
13	Хоразм	1		10	1		5	2	15
14	Тошкент шаҳри		1		2		35	3	35

1-жадвал Global G.A.P. ва Organic стандартларни жорий этган ва жорий этаётган экспортёр корхоналар кўрсаткичлари¹

¹ Ўзбекистон Республикаситехник жиҳатдар тартибга солиш агентлиги маълумоти 2022 йил.

1-жадвал кўриниб турибдики, жами 42 та маҳсулот туридан Global G.A.P. 32 та маҳсулот турини Помидор, бодринг,узум, саримсоқпиёз, олма, анор, қовун, руқолла, хитой қарами, салат барги, шпина, қарам,, пиёз, қалампир, укроп, тарвуз, мөш, гул қарам, райхон, брокколи, гилос, нок, шафтоли, олхўри ялпиз, қулупнай, редиска, лимон, слива, салат айсберг,нектарин, булгор қалампир, баклажон Organic 10 та маҳсулот турини помидор қуритилган (органик); Пахта, ковул, узум, доривор ўсимликлар (органик); , ошқавоқ, сабзи, буғдой, ловия, Қуритилган мева (ишлаб чиқариш) хозирги кунда экспорт қилинмоқда. 2022 йил холатига Global G.A.P ва Organic стандартлари жорий этилган корхоналар томонидан иккаласи қўшилганда 70 миллион доллар даромад кўрган².

Global GAP сертификатлаштириш жараёнида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини етиштириш давридаги барча агротехнологиялар устидан тўлиқ текширишни назарда тутилади. Маҳсулотни етиштириш агротехнологиясига қўйидагилар киради:

- Тупроқ;
- Уруғ-кўччатларга оид материаллар;
- Ўғитлаш тизими;
- Суғориш;
- Ўсимликларни ҳимоя қилишни интеграллашган тизими;
- Ҳосилни йиғишириш;
- Йифим-теримдан кейинги ишни якунлаш;
- Маҳсулотни сақлаш;
- Ходимларни малакаси;
- Меҳнат гигиенаси ва техника хавфсизлиги;
- Техника ҳолати;
- Маҳсулотни кузатиш;
- Атроф мухитни муҳофазалаш.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг ишончли даражада ошгани ҳамда маҳсулот соҳталаштирилиши ҳавфи пасайишини кўрсатди, шунингдек мувофиқликни тасдиқлаш жараёнига йўналтирилган сарф харажатларнинг камайиши таъминлаш ҳалқаро амалиёт тажрибаси Global GAP сертификатлаштириш тизимига ўтишни афзалликлариdir.

Ушбу тизим ҳалқаро ҳамжамиятда сифатни таъминловчи ягона умумлашган тизимни киритишга, маҳсулотнинг бутун ҳаракатланиш йўлини қамраб олишни таъминлашга, кўп марта такрорланувчи сифат аудитини олдини олишга, соҳталаштириш имкониятини йўқ қилишга ва истеъмолчиларнинг ўсиб борувчи талабларини қондириш даражасини оширишга ёрдам беради. Дунё бўйича Global GAP стандартини жорий қилиш орқали сертификат олган ташкилотлар сони йил сайин ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига етиштириш давридаги турли хил салбий омилларни таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида Global GAP стандарти қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг аксариятида мазкур стандартни жорий қилиш бўйича миллий техник ишчи гурух тузилиб, Global GAP асосидаги миллий стандартлар қабул қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги маълумоти 2022 йил.

Масалан, Chile GAP-Чили миллий стандарти, AMAGAP-Австралия миллий стандарти, QS-GAP-Германия миллий стандарти, New Zealand- Янги Зелландия миллий стандарти, JGAP-Япония миллий стандарти, China GAP-Хтой миллий стандарти ва бошқалар.

Ҳозирги пайтда республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш даврида агротехник тадбирларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро даражада тан олинган ёки уйғунлаштирилган меъёрий хужжатлар мавжуд эмас.

Бу ҳолат халқаро (Европа) бозорларда истеъмолчилар томонидан Global GAP сертификати талаб этилаётган даврда, ушбу стандарт республикамиз фермер хўжаликларининг эътиборидан четда қолиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлишда тўсиқларни юзага келтириши мумкин.

Ҳозирги вақтда Юртимизда етиширилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда Global GAP стандартини жорий қилиш ва уни асосида маҳсулотларни сертификатлаш жараёнлари ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини халқаро талабларга мувофиқ самарали назорат қилиш масалаларини ҳал этишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Масалан, халқаро талабларга жавоб берадиган синов марказлари ва лабораториялар етишмаслиги, Global GAP стандарти бўйича сертификатлаштириш идорасини йўқлиги ва малакали мутахассисларни етишмаслиги ва бошқалар.

Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигига етиширилаётган маҳсулотларининг халқаро бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг Global GAP тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

2022 йилдан бошлаб янги ва такомиллаштирилган IFA уб томонидан аграр сектор учун янада соддалаштирилган, интиутив ва рақамлаштирилган ечимларни таклиф қилиш учун фермер хўжалигини кафолатлаш бўйича ечимлар портфелини, жумладан, хизматларни янгилаган. GLOBALG.A.P. Фермер хўжаликларини кафолатли ечимлари ақлли рақамли иқтисодиётга тўлиқ ўтишни таъминлайди.

GLOBALG.A.P стандартлари 200000 дан ортиқ ишлаб чиқарувчиларни қамраб олди. Келажакдаги эҳтиёжларингизни қондириш ва ижтимоий ва экологик жиҳатдан онгли қишлоқ хўжалиги амалиётлари орқали ҳар бир авлоднинг хавфсиз, масъулиятли тарзда етиштирилган озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ўз мақсадимизни амалга ошириш учун кафолатли ечимларимларни таъминланмоқда.

GLOBAL G.A.P стандарти асосида сертификатланган ишлаб чиқариш жараёнлари 2021 йилда жаҳон бозори учун 2,5 миллион тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарди - 2019 йилга нисбатан 23 фоизга кўп³.

Фикримизча бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда халқаро бозорларда тан олинган Global G.A.P, Organic, HACCP сифат стандартларини жорий этиш мақсадга мувофиқ:

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон стандартларига жавоб бермайди масалан: Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қанди кўплиги, транспорт логистика тизимини қимматлиги. ўзоқ масофага транспорт орқали етказишдаги муаммоларни

³ https://www.globalgap.org/uk_en/media-events/news/articles/GLOBALG.A.P.-at-Seafood-Expo-Global-2022/

PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI

<https://worldlyjournals.com>

1-IYUL,2024

мавжудлиги, маблағ муаммоси ва бошқаларни айтишимиз мумкин. Шу билан бирга Global GAP ва ISO 22 000 НАССР халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт хажми ортади.